

ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Шокирова Шалола Шукуруллаевна,

Навоий вилояти “Саодат сари”

ижтимоий кўмак маркази раҳбари

Бугун жамиятида давлат ва жамият муносабатларини мувозанатда ушлаш, фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу маънода нодавлат нотижорат ташкилотлари – фуқароларнинг ўз ташаббуси билан турли ижтимоий, маданий, маърифий, экологик ва бошқа соҳаларда бирлашишини таъминлайдиган муҳим ижтимоий институт сифатида юксак аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда кейинги йилларда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва аҳолининг турли қатламларини қарор қабул қилиш жараёнларига жалб қилиш жараёнида ННТларни институционал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамияти институтлари сифатида аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш, давлат ва жамият ўртасида “кўприк” вазифасини бажариш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганиш ва ечим таклиф қилиш каби вазифаларни бажариш орқали жамият тараққиётига ҳисса қўшиб келмоқда.

Шунингдек, ННТлар демократик жараёнларни мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

ННТнинг Устав фаолиятини амалга ошириш, олдига қўйган мақсад ва вазифаларини бажаришда 3 - 5 йиллик стратегик режалаштириш керак. Ташкилотнинг барқарор ва самарали фаолият юритиши учун уларни институционал жиҳатдан ривожлантириш зарур. Бу эса қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

Биринчидан, ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш зарурати. ННТлар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик доимий равишда замон талабларига мослашиб бориши керак.

Иккинчидан, молиявий барқарорлик. ННТлар кўп ҳолларда грантлар ёки маҳаллий ташаббусларга таянади. Институционал ривожланиш молиявий манбаларни диверсификация қилишни тақозо этади. Бу хавфни камайтириш ва самарадорликни ошириш учун турли активлар, бозорлар ёки бизнес йўналишлари бўйича ресурслар ва инвестицияларни тақсимлаш стратегияси бўлиб, шунга кўра ННТлар учун ташкилотнинг фандрайзинг режаси бўлиши муҳимлигини кўрсатади.

Учинчидан, кадрлар салоҳияти. Ташкилотлар фаолияти самарадорлиги мутахассислар малакасига боғлиқ. Шу боис инсон капиталига сармоя киритиш муҳим. Нодавлат ташкилотга ходимларни ва волонтерларни жалб қилиш йўл харитаси, кадрлар ва меҳнат, хизмат сафари, гендер тенгликни таъминлаш ва зўравонликка қарши кураш сиёсатлари, ахлоқ кодексининг қабул қилиниши ташкилотнинг барқарор ишлашига ёрдам беради.

Тўртинчидан, жамоатчилик билан ишлаш. Ахборот технологиялари шароитида очиқлик ва шаффофлик ННТларнинг нуфузини оширади.

Бешинчидан, халқаро ҳамкорлик. Тажриба алмашиш, грант ва лойиҳаларда иштирок этиш орқали ННТлар имкониятлари кенгаяди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ННТларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан:

- ННТлар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар янгиланмоқда;
- Давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалар тизими йўлга қўйилди;
- Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган Президент қарор ва фармонлари қабул қилинди;
- ННТларнинг давлат дастурларида иштирок этиш имкониятлари кенгайди.

Бу жараёнлар ННТларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш ва фуқаролик жамиятининг институционал асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, нодавлат нотижорат ташкилотларни институционал ривожлантириш Ўзбекистонда демократик ислохотлар самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини таъминлаш ва давлат ҳамда жамият ўртасида самарали мулоқот ўрнатишнинг асосий шартларидан биридир. Шу боис ННТларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий имкониятларини кенгайтириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.